

## ТАЪЛИМ – ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Президентимиз “Ҳамма буюклик ниятдан келади, меҳнатдан келади”, деган фикрни кўп таъкидлайди. Дарҳақиқат, инсоният Ер юзида пайдо бўлганидан буён унинг азалий миссияси — ўқиш, ўрганиш, буюкликка эришиш учун интилишдир. Шу маънода, таълимнинг ўзгармас моҳияти борки, у ўзликни англаш ва дунёни билишга бўлган иштиёқда намоён бўлади.

Бугунги глобал даврда барчамидан талаб қилинадиган муҳим жиҳат эса ҳаракат ва интилишда тараққиёт шиддатига муносиб бўлишдир. Бу шиддат, бу ўзгариш ва янгиланишлар Ўзбекистоннинг олий таълим тизимида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Энг аввало, мамлакатимиздаги олий таълим ташкилотлари сони 160 тадан ортди, қабул квоталари 30 фоизга етди. Кириш имтиҳонларидаги енгилликлар, ёшлар учун имтиёз ва имкониятлар кенгайгани, амалиётга бошқарувнинг янгича тамойиллари жорий этилаётгани, ўқиш ва ўқитишнинг замонавий услублари қўлланилаётгани — буларнинг барчаси олий таълимда бўй кўрсатаётган ўзгаришлар, ташланаётган янги қадамлардир.

Шу билан бирга, профессор-ўқитувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш, хорижий ҳамкорликни кенгайтириш баробарида мамлакатимиз олий таълим тизимининг ҳалқаро имижини яхшилаш борасида ҳам талай ишлар қилинмоқда. Татбиқ этилаётган бу каби қўламли янгиликлар тизим самарадорлигини оширишга ёрдам бермоқда.

Очиғини айтиш керак, Ўзбекистонда олий таълимни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг қабул қилиниши билан тизим мазмуни янги босқичга кўтарилди.



**Албатта, бу ислоҳотлар замирида Президент Шавкат Мирзиёев илгари сурган, барча саъй-ҳаракатларимиз инсон учун, инсон қадри учун, деган эзгу ғоя ётибди. Давлат раҳбарининг олий таълимга, илм-фан ривожига, умуман, янги Ўзбекистон ёшларининг билимли, заковатли бўлиб вояга этишига қаратаётган юксак эътибори бу ўзгаришларга куч бермоқда.**



Чунончи, Президент раислигига 2021 йил 16 июнь куни олий таълим тизимидағи долзарб масалаларга бағишлиган видеоселектор йиғилишида белгиланган устувор вазифалар ҳам айни давр замонавий таълим тизимининг ўлчовларига мос келади. Яъни, бугун миқдор ўзгаришларидан, сифат ўзгаришларига ўтиш вақти келди. Навбатдаги муҳим масала — таълим сифатини ошириш, ҳалқаро стандартларга мослашиш, замонавий, мустақил фикрга эга, ўз касбининг маҳоратли эгаси бўлган мутахассисларни этиширишдан иборат.

Бундан ташкири, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида олий таълим тизими олдида турган муҳим вазифалар белгилаб берилди. Олий таълимга қамров даражасини 50 фоизга етказиш, таълим сифатини ошириш, 2026 йилга қадар 10 та салоҳиятли олий таълим муассасасини QS ва THE ҳалқаро рейтингларига киришга мақсадли тайёрлаш, қарийб 100 минг ўринли талabalар туар жойларини барпо этиш, 2026 йилгача нодавлат олий таълим ташкилотлари сонини камидаги 50 тага етказиш шулар жумласидан.

Шу билан бирга, олдимизда ечимини топиш керак бўлган муаммолар ҳам йўқ эмас. Олий таълимни дунё андозаларига мослаштириш, илгор тажрибаларни ўзлаштириш, юртимиз олий ўқув юртларини дунё тан олган рейтинги юқори бўлган “ТОП” университетлар қаторига киритиш, уларга ўқув ва илмий фаолиятида янада кўпроқ мустақиллик бериш каби мақсадларимиз бор. Зотан, олий таълим муассасаларининг битирувчилари танлаган соҳаси ривожи учун хизмат қиладиган мутахассис бўлиб этишсин.



Қўлингиздаги “Ўзбекистонда олий таълим” журнали ана шу имконият туфайли олиб борилаётган изланишлар натижалари, соҳамиз вакиллари эришаётган ютуқлар, айрим ўринларда йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар, муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича мутахассислар тавсиялари асосида юзага келди. Ушбу нашр саҳифаларидан мамлакатимиз олий таълим тизимига оид сўнгги ва салмоқли ўзгаришлар, уларнинг моҳияти, соҳага оид норматив-хуқуқий ҳужжатлар шарҳлари, илмий-амалий, халқаро тажрибалар таҳлили ўрин олади.

Шубҳасиз, олий таълим соҳасидаги сўнгги янгиликлар, маълумотлар юртдошларимизга ҳам бирдек кераклидир. Боиси, мамлакатимизнинг ҳар бир хонадони, ҳар бир оиласининг камида битта бўлса ҳам аъзоси шу тизим вакили, кимдир талаба ёки собиқ талаба, магистр, кимдир ўқитувчи, докторант, балки профессор, академикдир. Демак, журналнинг қамрови ниҳоятда кенг. Шунга яраша журнал ижодий жамоасининг мақсадлари ҳам катта: дунё олий таълим тизимлари ичра Ўзбекистон олий таълими ва унинг ўзига хос қиёфаси бўлиши кутилаётган мазкур журнал энг етакчи ўринларда бўлиши кўзланмоқда.

Журнал соҳадаги энг муҳим тадқиқотлар, олий таълим тизимидағи илғор тажрибаларни оммалаштириш, ўзаро тажриба алмашиш учун муҳим минбар вазифасини бажаради, деб умид қиламиз.

Алоҳида таъкидлаш лозим, журнал олий таълим тизими ривожига хисса қўшиш билан боғлиқ таклифлар, талаблар ва ташаббуслар учун кенг майдонга айланиши керак. Тизимда фаолият юритувчи педагоглар, ходимлар ундан қўлланма сифатида фойдалансин.

Биз ана шу йўлда журнал ижодий жамоасига муваффақият тилаймиз.

**Абдуқодир ТОШҚУЛОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири,  
иктисод фанлари доктори, профессор

